

З нафар вояга етмаган фарзандлар она тарбиясига олиб берилди

↗ Катта шараф ва масъулият ҳисобланмиш оналикнинг баҳоси фарзанднинг нечоғлик парвариш ва тарбия топганлиги билан ўлчанади. Ўз ўрнида ҳар бир ота-она фарзандининг расо, комил инсон бўлиб вояга етишини ният қиласди. Бу ният кимгадир ҳамроҳ бўлса, яна кимдир расоликдан йироқда қолади. Нега? Бу тақдирми ёки ҳаракатларимизнинг таъсири? Балки тақдирга ўзимиз эшик очаётгандирмиз?

↗ Эр-хотин ўртасидаги оилавий тушунмовчилик ва жанжаллар фарзандларни бу расоликдан мосуво қиласди. Ажрим эса, уларнинг кўнглини синдириб, ота ёки онадан бирини танлашга мажбур қиласди. Вояга етмаган фарзандлар кўпроқ она меҳрига ва тарбиясига муҳтоҷ бўлади. Қамашилик Худойбердиевлар оиласида ҳам ўзаро жанжал сабаб, ўртада муносабатлар совуқлашиб, ўртада З нафар фарзанди бўлса-да, она турмуш ўртоғининг уйидан кетишига тўғри келади. Аммо қаттиқ қаршилик сабаб З нафар фарзандларини олиб кетолмайди. Бунинг қўлидан келган барча ишни қилган она охири судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

↗ Суд ҳолатни ўрганиб чиқди ва вояга етмаган болалар онасининг парваришига муҳтоҷлигини инобатга олиб, даъвони қаноатлантириди.

↗ Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 07.06.2023 йилги қарорига асосан вояга етмаган 01.09.2014 йилда туғилган С.А.ни, 22.10.2017 йилда туғилган М.А.ни, 30.09.2020 йилда туғилган Х.А.ларни жавобгар Ш.А.дан даъвогар Ш.Д. тарбиясига олиб бериш белгиланган.

↗ Мазкур июро ҳужжати бүроронинг Бешариқ туман бўлими томони дан ижро ҳаракатлари олиб борилди ва 17.07.2023 йил куни жавобгар А.Ш.дан уч нафар вояга етмаган фарзандлар ундирувчи Д.Ш. тарбиясига олиб берилди ва ижро иши амалда тамомланди.

МИБ Бешариқ тумани бўлими.

2023-07-20 10:33:41